



90

Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳри, Amir Temur ko'chasi, 4 uy. tel.: (036645) 6-15-89 faks.: (036645) 6-10-01

2018 у.г. « 3 » декабрь № 2285-1/3 Каттақўрғон sh. – г. Каттакурган

“E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо
майдончасида электрон аукцион орқали сотилган ер
майдонини ажратиш ва қурилишга рухсат бериш
тўғрисида


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20-апрелда и
Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини
доимий фойдаланишга бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида”ги ПҚ-3677-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2018 йил 30-июндаги “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш
учун ер участкаларини доимий фойдаланишга беришнинг замонавий ва шаффоф
механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 493-сонли қарорлари
асосан таъминлаш мақсадида ҳамда “YER ELEKTRON” тизимидан олинган
Вазирлар Маҳкамасининг 493-сонли қарорларига асосан Ўзбекистон Республикаси
Бош Прокуратураси ҳузуридаги МИБ “Электрон-онлайн аукционларни ташкил этиш
маркази” ДУКнинг №YU 0707-000001 сонли баённомаси ҳамда тааллуқли
ташкilotларнинг хулосаларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий
Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги МИБ
“Электрон-онлайн аукционларни ташкил этиш маркази” ДУКнинг
№YU 0707-000001 сонли баённомаси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.
Мазкур баённомага мувофиқ ер участкаси 682 241,60 сўм (олти юз саксон икки
минг икки юз қирқ бир)сўм 60 тийин баҳога сотилганлиги маълумот учун қабул
қилинсин.
2. “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончасида 2018 йил
19 ноябр кuni ўтказилган электрон очик аукцион орқали фуқаро Мурадов Тулқин
Утаевич (АВ 7534970, СТИР: 491327634)га сотилган Каттакўрғон шаҳар Ингичка
кўрғони Каттакўрғон маҳалласи Каттакўрғон кўчаси худудида жойлашган 0,01324 га
(ер участкасининг рақами №1718406-ZU/04295, ЛОТ рақами 0018837) ер майдони
“Ветеринария дорихонаси ва автобекат” биноси қуриш учун ажратилсин ва
қурилишга рухсат берилсин.
3. Мурадов Тулқин Утаевич: 2018 йил 17 сентябрдаги 1703-сонли
электрон аукцион орқали сотишга рухсат бериш тўғрисидаги қароридан кўрсатиб
ўтилган мажбуриятларни бажариш жумладан;

- курилиш ишларини 2019 йил 8 март санасигача тўлиқ битказиш ва ишга кириштириш;
- мазкур ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадда фойдаланмаслик;
- объектни куришда шаҳарсозлик хулосасида қайд қилинган талаблар ва бошқа нормалар ҳамда қоидаларга риоя этиш;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил майдаги 370-сонли қарорида кўрсатилган регламент асосида курилиш ишларини ташкил қилиш ва бошқа тегишли ҳужжатларини тайёрлаш;
- санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш, Давлат Экологик экспертиза хулосасини олиш, кабель тармоғини ўз ҳисобидан хавфсиз жойга кўчириш;
- ҳар қандай курилиш-таъмирлаш ишларини олиб боришда ҳамда келгуси авлоят даврида шу ҳудудда ободонлаштириш ишларига доимий эътибор қаратиш, ишнинг мулк эгалари манфаатларига зиён етказмаслик ва уларнинг тинчлик қилиши шартларига қатъий амал қилиш вазифалари юклатилсин.
- Мазкур шартлар бажарилмаган ва объект ўз вақтида ишга туширилмаган ҳолда ер майдонини шаҳар ҳокимлиги Давлат ер захира фондига қайтариш ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқ бекор қилиниши инобатга олинсин.
- 4. Шаҳар ҳокимлиги бош ҳисобчиси Ш.Камаловга Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июндаги 493-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ ер участкасини ажратиш ва ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини реализация қилишдан тушадиган маблағларни тақсимлаш вазифаси юклатилсин.
- 5. "Ермулккадастр" ДК шаҳар филиали (У.Туропов)га фуқаро Мурадов Тулкин Утаевич томонидан сотиб олинган 0,01324 га ер майдонини юқоридаги ҳуқуқларни бажаргунга қадар вақтинча (2019 йил 8 март) муддатда фойдаланиш мажбуриятларни давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
- 6. Шаҳар Давлат солиқ инспекцияси (С.Рустамов)га фуқаро Мурадов Тулкин Утаевич томонидан амалдаги тартибга мувофиқ солиқ ва бошқа мажбурий туловларни ундирилишини доимий назоратга олиш топширилсин.
- 7. Мазкур ер участкасида курилиш ишларини мониторинг қилиб бориш ҳамда шаҳар архитектура ва курилиш бўлими зиммасига юклатилсин.
- 8. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари Д.Раҳмонов зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими



М.Хашимов